

## УМУМИЙ ФИЗИКА КУРСИ ДАРСЛАРИДА «ФИЗИК СУД» ВА «ШАХМАТ ЭСТАФЕТАСИ» ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

А.А. Махмудов

Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида ўқитиладиган умумий физика курси дарсларида «Физик суд» ва «Шахмат эстафетаси» дидактик ўйинларини ўтказиш методикаси баён қилинган. Ушбу ўйинларнинг аҳамиятлари ҳам очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** дидактик ўйин, методика, физик суд, бош судья, маслаҳатчилар, айбланувчи, адвокат, шахмат эстафетаси.

**Аннотация:** В данной статье описывается методика проведения дидактических игр «Физический суд» и «Шахматная эстафета» в курсах общей физики, преподаваемых в высших учебных заведениях. Также раскрывается важность этих игр.

**Ключевые слова:** дидактическая игра, методика, физический суд, главный судья, советники, подсудимый, адвокат, шахматная эстафета.

**Annotation:** This article describes the methodology for conducting the didactic games "Physical Court" and "Chess Relay Race" in general physics courses taught in higher educational institutions. The importance of these games is also revealed.

**Key words:** didactic game, methodology, physical court, chief judge, advisers, defendant, advocate, chess relay race.

Умумий физика дарсларида талабаларнинг олган билимларини баҳолаш йўлларида бири дидактик ўйинларни ўтказиш ҳисобланади. Бундай ўйинларнинг турлари жуда кўп. Бу мақолада ана шундай ўйинлардан «Физик суд» ва «Шахмат эстафетаси» ўйинларининг умумий физика дарсларида ўтказиш методикалари ҳақида фикр юритилади.

«Физик суд» ўйинининг ўтиш жараёни қуйидагича бўлади. Дарс, яъни ўйин ўтказилишидан бир неча кун аввал талабалар гуруҳи ҳимоячи ва айбланувчининг гувоҳлари деб аталувчи гуруҳларга ажратилади. Шунингдек, бош судья, халқ маслаҳатчилари, прокурор, адвокат, судланувчи ва суднинг илмий котиби ҳам тайинланиши зарур.

Яна судланувчининг ҳақлиги ёки ноҳақлигини кўрсатувчи ҳужжатлар ҳамда ашёвий далиллар-слайдлар ва компьютер фильмлари ҳам тайёрланади. Судланувчининг нутқида келтириб ўтиладиган физик ҳодиса, қонун ёки катталиқнинг биографиясига оид материалларни ҳам физика тарихидан тайёрлаш керак бўлади. Шунингдек, суднинг илмий котиби муҳокама қилинаётган физик муаммо соҳасида фаолият юритган ёки юритаётган олимлар томонидан судга юборилган тарихий ҳужжатларни ҳам судга тақдим этиши лозим.

Дарсда ўтаётган ушбу ўйин вақтида ҳимоячи ва айбланувчи гуруҳлари орасида доимий мусобақа кетади. Бошқа дидактик ўйинлардан фарқли ўлароқ, ушбу ўйиннинг ғолиби унда иштирок этган гуруҳларнинг ўйин мавзусига тайёргарлик даражаси билан эмас, балки ўрганилаётган физик ҳодиса, қонун ёки катталиқнинг мазмуни билан белгиланади. Шу далил суднинг охири қарорида ўз аксини топиши зарур.

Бу ўйин қоидаларига мувофиқ, судда иштирок этувчиларнинг сўзга чиқиши-уларнинг ҳуқуқи бўлмасдан, балки уларнинг вазифаси ҳисобланади. Судда иштирок этувчиларнинг нутқи ўйин мавзуси бўйича берилган уй ишларини ташкил этиши лозим. Агар ана шу уй ишларининг мақсади талабаларга тўғри тушунтириб ўтилган ҳамда улар ўз хоҳишлари билан ушбу ўйинга қўшилишган бўлса, бу ўйин уларнинг ижодий активлигини янада ошириш учун хизмат қилади. Судни бориш жараёнида арбитрлар вазифасини судья ва халқ маслаҳатчилари бажаради. Гувоҳлар нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган жавоблар беришганида судья ва халқ маслаҳатчилари уларга қўшимча саволлар бериб кўриляётган масалани ойдинлаштирадидилар, шунингдек, жавобларни тўлдирадилар ҳамда тўғрилайдилар.

Профессор-ўқитувчи томонидан ушбу ўйинда актив иштирок этган талабалар тегишли баҳолар билан баҳоланади.

“Шахмат эстафетаси” номланувчи ўйин ҳам ролли ўйинлар қаторига киради. Бу ўйин қуйидагича ўйналади. Ушбу ўйин одатда профессор-ўқитувчи катта мавзунини ёки бирор бобни ўтгандан кейин ўтказиши мумкин. Бу ўйинни ташкил қилишнинг икки варианты мавжуд.

1-вариант. Профессор-ўқитувчи ўйин ўтказилаётган гуруҳ талабаларини 6 та жамоага бўлади. Бу жамоалар учун учта ўйин столи ажратилади. Ўйин ярим финал ва финал ўйинларидан ташкил топади. Ярим финал ўйинларида жамоалар таркибига кирган талабалар ўйин столи атрофида бир-бирларига қарама-қарши ўтирадидилар. Жамоаларнинг сардорлари олдида шахмат соатлари туради. Ўйин столининг ўртасида қутича туради ва қутичанинг ичида эса ўйин мавзусига оид савол ва масалалар ёзилган карточкалар бўлади. Ўйинни биринчи бўлиб, жамоаларнинг сардорларидан кейин ўтирган икки талаба бошлаб беради. Кейин эса кейинги талабалар жуфтлиги ўйинни давом эттиради. Шу тарзда ўйин давом этаверади.

Профессор-ўқитувчининг ишораси билан биринчи жамоанинг сардори шахмат соатининг тугмасини босади. Ундан кейин ўтирган талаба эса қутичадан карточкани олади ва ундаги саволга жавоб бера бошлайди. Агар карточкада масала ёзилган бўлса, талаба уни ечиб кўрсатади. Агар талабанинг жавоби тўғри бўлса, иккинчи жамоа сардори соат тугмасини босади. Ундан кейин ўтирган талаба эса қутичадан карточкани олади ва ундаги саволга жавоб бера бошлайди. Агар карточкада масала ёзилган бўлса, талаба уни ечиб кўрсатади. Агар талабанинг жавоби тўғри бўлса, биринчи жамоа сардори соат тугмасини босади. Ундан кейин ўтирган иккинчи талаба эса қутичадан карточкани олади ва ундаги саволга жавоб бера бошлайди. Агар карточкада масала ёзилган бўлса, талаба уни ечиб кўрсатади. Агар талабанинг жавоби тўғри бўлса, иккинчи жамоа сардори соат тугмасини босади. Ундан кейин ўтирган

иккинчи талаба эса қутичадан карточкани олади ва ундаги саволга жавоб бера бошлайди. Агар карточкада масала ёзилган бўлса, талаба уни ечиб кўрсатади. Ҳайин шундай тарзда давом этади.

Ҳайиннинг бу вариантыда талабаларнинг у ёки бу саволга жавобларининг тўғрилигини жамоа сардорлари баҳолайди. Бунда биринчи жамоа талабаларининг жавобини иккинчи жамоа сардори, иккинчи жамоа талабаларининг жавобини биринчи жамоа сардори баҳолайди. Баҳслашув ва мунозара ҳолатлари бўлса, профессор-ўқитувчи бош арбитр сифатида шу ҳолатларга аралашади. Баҳслашув ва мунозара ҳолатларини ечимини топиш вақтида шахмат соатлари тўхтатилиб кўйилади. Агар жавоб бераётган талаба карточкадаги саволга жавоб билмаса ёки унга нотўғри жавоб берса, у ўз жамоасидаги бошқа талабалардан ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолатда эса шахмат соати тўхтатилмайди.

Ушбу Ҳайиннинг ярим финали учун мўлжалланган карточкаларда 12-15 та савол ёки масала бўлади ва улар Ҳайналади. Ҳайинда ҳар бир жамоа учун умумий равишда 30 минут берилади. Карточкалардаги савол ва масалаларга жавоб бериш учун кам вақт сарфлаган жамоа ютади.

Финал Ҳайинида эса якка ғолибни аниқлаш учун жамоаларга қўшимча топшириқ берилади. Ушбу топшириқ битта ёки иккита савол(масала) кўринишида бўлиши мумкин. Шу саволларга тез тўғри жавоб берган ёки масалаларни тез тўғри ишлаган жамоа талабалари Ҳайинда мутлақ ғолиб бўлади.

2-вариант. Бунда профессор-ўқитувчи гуруҳ талабаларини икки жамоага ажратади. Иккала жамоанинг ҳар бир аъзоси қуръа натижасида аввалдан карточкаларга ёзиб кўйилган 0, 1, 2, ... ва ҳоказо номерларни оладилар. Бунда Ҳайинга 40 минут ажратилади. Баъзи гуруҳ талабалари 35-40 тани ташкил қилиши мумкин. Берилган вақт давомида шунча талабадан сўраб бўлмайди. Шунинг учун 0 номерини олган талабалар ҳайъат аъзосига айланадилар. Профессор-ўқитувчининг иш столида шахмат соати ва қутича туради ҳамда қутичанинг ичида эса Ҳайин мавзусига оид савол ва масалалар ёзилган карточкалар бўлади. Шундан кейин Ҳайин худди 1-вариантда қандай давом этган бўлса, ана шундай давом этади. 1 ва 1 номерли талабалар Ҳайин столига ўтиришади ва бир-бири билан мусобақалашади. Улардан сўнг кейинги жуфтликлар ҳам ўз навбати билан Ҳайин столига ўтиришиб, бир-бирлари билан мусобақалашиб, дидактик Ҳайинни давом эттирадилар. Шунини айтиш керакки, ушбу вариантда шахмат соати тугмасини жамоалар сардори эмас, балки Ҳайинда иштирок этаётган талабалар босади.

Ушбу Ҳайиннинг иккала вариантыни таққослаш шунини кўрсатадики, Ҳайиннинг иккинчи варианты унинг биринчи вариантга қараганда талабаларнинг психологиясига кўпроқ мос келади. Лекин Ҳайин давомида биринчи вариантни қўллаш ҳам яхши натижа бериши мумкин. Ушбу Ҳайин талабаларни умумий физикадан сифат ва ҳисоблаш масалаларни ишлаш кўникмасини ҳосил қилишда ҳам катта аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А.В. Хуторской. Дидактика. Питер. Санкт Петербург. 2017.
2. В.А. Ситаров. Дидактика. Москва. АСАДЕМА. 2004.
3. И.В. Юкина. Дидактика, Феникс. Ростов. 2004.
4. И.Я. Лернер. Дидактические основы методов обучения. Москва. Педагогика. 1981.
5. И.П. Подласый. Педагогика. Москва. Владос. 2000.